

УЮШГАН ЖИНОЯТЧИЛИК ТУШУНЧАСИ ВА УНГА ҚАРШИ КУРАШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Закиров Бахтиёр Эргашевич

*Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги
университети кафедра доценти, ю.ф.н., доцент.*

Аннотация: Мақолада уюшган жиноятчилик тушунчаси, ўзига хос хусусиятлари, ушбу соҳада фаолият олиб борган олимларнинг таҳлилий фикрлари, уюшган жиноятчиликка қарши курашнинг айрим масалалари кўрсатиб ўтилган.

Калит сўзлар: уюшган жиноятчилик, хавф-хатар, таҳдид, давлатлатлар аро муаммо, жиноят, уюшган гуруҳ, уюшма, тушунча, ҳамкорлик.

ПОНЯТИЕ ОРГАНИЗОВАННОЙ ПРЕСТУПНОСТИ И ОСОБЕННОСТИ БОРЬБЫ С НЕЙ

Аннотация: В статье рассматриваются понятие организованной преступности, её характерные особенности, аналитические взгляды учёных, занимавшихся исследованием данной сферы, а также отдельные вопросы, связанные с противодействием организованной преступности.

Ключевые слова: организованная преступность, опасность, угроза, межгосударственная проблема, преступление, организованная группа, организаци́я, понятие, сотрудничество.

THE CONCEPT OF ORGANIZED CRIME AND THE SPECIFIC FEATURES OF COMBATING IT

Abstract: The article examines the concept of organized crime, its distinctive features, the analytical views of scholars who have studied this field, as well as certain issues related to countering organized crime.

Keywords: organized crime, danger, threat, interstate problem, crime, organized group, organization, concept, cooperation.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев ўз маърузаларида халқаро терроризм, экстремизм, наркотрафик, диний қарама-қаршилик, ноқонуний миграция, одам савдоси, экологик муаммолар, айрим минтақаларда иқтисодий ночорлик, ишсизлик, қашшоқлик кучайиб бораётгани бутун инсониятни қаттиқ хавотирга солаётганлигини, ана шундай ўта мураккаб ва қалтис шароитда қандай йўл тутиш, қандай қилиб тинчлик ва осойишталикни

сақлаш, барқарор ривижланишни таъминлаш мумкин деган савол барчамизни жидий ўйлантириши зарурлигини бир неча бор таъкидлаб ўтганлар.

Глобаллашув замонавий давлатлар ривожланишининг айнан

ижтимоий-иқтисодий жараёнларнинг етакчи йўналишларга айланиб улгурди. Глобаллашув жараёни эса, ўз навбатида, жинойтчилик тавсифига, яъни икки ёки ундан ортиқ давлат манфаатлари ва ҳудудларига таъсир кўрсатадиган ҳаракатларга ҳам олиб келиб, турли хил ноқонуний товарлар (курол-яроғ, гиёҳванд моддалар ва бошқалар)ни сотиш ҳажми ошди, бу эса ўз навбатида трансчегаравий жинойт фаолиятдан олинадиган даромадларнинг кўпайишига ва натижада трансмиллий жинойтчиликнинг ривожланиб боришига сабаб бўлмоқда.

Бугунги кунда трансмиллий уюшган жинойтчилик муаммоси дунё ҳамжамияти олдида турган долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Чунки ҳозирги глобаллашув жараёнининг ижобий жиҳатлари ҳисобланган давлатлар ва халқлар ўртасидаги интеграция ва ҳамкорлик алоқаларининг кучайиши, хорижий инвестициялар, капитал ва товарлар, ишчи кучининг эркин ҳаракати учун кулайликлар вужудга келиши оқибатида жинойтчиликнинг айрим турларида бир давлат ҳудудидан бошқа давлатлар ҳудудига чиқиб кетиш ҳолатлари кучайиб бормоқда. Яъни бир сўз билан айтганда айрим жинойтлар трансмиллий уюшган жинойтчилик даражасига чиқиб бормоқда. Бу ҳолатлар эса ҳар қандай давлат иқтисодий ривожланишида жиддий тўсқинликлар келтириб чиқаришига олиб келади.

Трансмиллий уюшган жинойтчиликнинг тушунчасига тадқиқотчилар томонидан, махсус адабиётларда ва халқаро ҳужжатларда турли хил ёндашилмоқда.

Трансмиллий жинойтчилик таърифи ишлатилиши бўйича бир нечта таклифлар Интерполга аъзо мамлакатлар иштирокчиларининг 1988 йилда Сант-Клаудда уюшган жинойтчиликка қарши кураш бўйича халқаро симпозиумида муҳокама қилинди. Муҳокама натижасида ушбу жинойт таърифини асос сифатида эндиликда қабул қилиш ва ишлатиш тўғрисида келишувга эришилди.

Трансмиллий уюшган жинойтчилик деганда доимий равишда жинойт фаолият билан шуғулланадиган ва асосий мақсади ҳар қандай жойда, миллий чегараларидан қатъи назар, фойда кўришни мақсад қилган одамлар гуруҳи фаолият юритадиган ташкилот мавжудлиги ва унинг фаолиятида иштирок этишни тушуниш лозимлиги тавсия этилди.

А. Г. Волеводз фикрга кўра, трансмиллий уюшган жинойтчилик – бу миллий, диний, этник, қариндошлик асосида ташкил этилган бир ёки бир нечта жинойт гуруҳларнинг жинойт ҳаракатларининг (фаол ҳаракатларининг) изчил мақсадли тизими бўлган таркибий жиҳатдан мураккаб, ижтимоий, ҳуқуқий ҳодиса. Профессинал ҳуқуқбузарлик содир этиш ва фойда ёки

бошқа тақиқланган даромадларни олиш мақсадида икки ёки ундан ортиқ давлат ҳудудида фаолият юритадиган минтақавий ёки бошқа алоқалар, деб тариф берган.

15.11.2000 йилда БМТ “Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши кураш тўғрисида” конвенцияси имзоланиб қабул қилинган, мазкур конвенция 2003 йил 30 август куни Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган ва Ўзбекистонда ушбу Конвенция 2004 йил 8 ноябрь куни қонуний кучга кирган. Ушбу Конвенция [5] нинг 3-моддасида жиноят трансмиллий хусусиятга эга бўлиши учун:

а) бир нечта давлатларда содир этилган бўлса;

б) у бир давлатда содир этилган бўлса, лекин уни тайёрлаш, режалаштириш, бошқариш ёки назорат қилишнинг муҳим қисми бошқа давлатда амалга оширилса;

в) бир давлатда жиноий гуруҳ (жамоа) томонидан содир этилган бўлиб, ўз жиноий фаолиятини бир неча мамлакатларга тарқатган бўлса;

д) у бир давлатда содир этилган бўлса, лекин унинг асосий оқибатлари бошқа давлатда юзага келган бўлади деб кўрсатилган.

Шунингдек ушбу конвенциянинг қабул қилиниши трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши курашишда давлатларни бир бирлари билан бирлаштиришда янги имкониятлар очиб берди.

Трансмиллий уюшган жиноятчиликка берилган тарифлардан ва халқаро ҳужжатлардан келиб чиқиб, манимча трансмиллий уюшган жиноятчилик – бу ижтимоий хавфли ходиса бўлиб, ноқонуний равишда бойлик орттириш мақсадида давлат чегарасидан чиқиб, бир нечта давлатларда жиноий фаолият олиб борувчи уюшган жиноий гуруҳларни (уюшма) фаолиятини ифодалайди деб ҳисоблайман.

Ҳозирги вақтда маълумки, давлатлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик, айниқса иқтисодий соҳадаги ҳамкорлик ўзаро манфатлар тўқнашуви орқали юзага келар экан, бунда албатта, томонлар бир-бирининг ички имкониятларини, барқарор ижтимоий муҳитни ўрганиш билан бирга ривожланишга тўсиқ бўлувчи омиллар, жумладан жиноятчиликнинг ҳолати билан қизиқиши, таҳлил қилиши табиий ҳолдир. Шу боис, халқаро даражада уюшган жиноятчиликнинг ҳолати ва бу борада давлатлардаги вазият таҳлилчилар томонидан доимий кузатувда бўлади. Ана шундай кузатувни амалга оширувчи, бош штаб-квартираси Женевада жойлашган, халқаро мустақил “Global Initiative against transnational organized crime” ташкилотининг, дунё миқосида уюшган жиноятчиликнинг ҳолати қуйидаги мезонлар асосида баҳоланган, булар: - давлатда жиноятчилик кўлами ва унинг бошқарув жараёнига таъсири; - жиноятчилик турларининг (мафия, жиноий тармоқлар, давлат идораларига сиздирилган жиноий тузилмалар ва хорижий жиноий тузилмалар) таркиби ва таъсири; - мамлакатларнинг уюшган жиноятчиликка қаршилиги. Ушбу мезонлар бўйича

эълон қилинган ташкилот рейтингда Ўзбекистон 4,97 балл тўплаб, 193 давлат орасида 90-ўринни эгаллади. Таққослаш учун, Тожикистон – 62 (5,62), Қирғизистон – 72 (5,33), Туркменистан – 113 (4,62) ва Қозоғистон – 133 (4,27) ўринларда кўрсатилган.

Жаҳондаги трансмиллий уюшган жиноий гуруҳлар фаолиятини кўриб чиқадиган бўлсак, Шарқий Осиё мамлакатларида мавжуд бўлган “Триада”, “Якудза”, “Бамбукли иттифоқ” ва “Ямагути-гуми”, АҚШдаги “Коза-ностра”, “Мара Сальватруча” ва “Сгипс”, Жанубий Америкадаги “Меделин кортели”, Италиядаги “Мафия”, “Ндрангета” ва “Каморра”, Африкадаги “Кўпчилик (The Mungiki)” ва “Худуд йигитлари (Area Boys)” ўта хавфли уюшган жиноий тузилмалар ўз мамлакатларида ҳукуматга қарши бошқарув органларини тузиб олишган ва эндиликда ўзларига бошқа давлатларда ҳам таянч нуқталарини ташкил қилишга ҳаракат қилишаётганлигини кўриш мумкин.

Бугунги кунда трансмиллий уюшган жиноятчиликнинг давлат ва халқлар учун хавфли турлари терроризм, гиёҳванд моддалар савдоси, ноқонуний қурол савдоси, ноқонуний миграция, одам савдоси ҳисобланади, ушбу кўринишдаги трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши курашишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар хизмат фаолиятида давлатлараро шартномалар ва битимлардан фойдаланиб, тезкор-қидирув фаолиятида ўзаро ҳамкорлик, ахборот алмашуви, жиноятларнинг олдини олиш, аниқлаш ва фош этиш, жиноятчиларни қидириш, ушлаш, ушлаб топшириш ва бошқа шу каби функцияларни бажарилишида намоён бўлиб, давлатлараро ҳамкорликда олиб бориладиган тезкор-қидирув фаолияти Интерпол Миллий Марказий бюросига тегишлидир.

Ушбу органга Ўзбекистон ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг турли трансмиллий жиноятларга қарши курашда хорижий давлатларнинг нуфузли органлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш вазифалари юклатилган.

Шунингдек, 2013 йил 13 январда Минск шаҳрида МДХга аъзо давлатлар худудида уюшган жиноятчилик ва жиноятларнинг бошқа хавфли турларига қарши курашни мувофиқлаштириш Бюроси (БКБОП) тўғрисидаги Низомга ўзгартиришлар киритишни келишиб олинди ва қабул қилинди. Уюшган жиноятчилик ва жиноятларнинг бошқа хавфли турларига қарши курашни мувофиқлаштириш Бюроси (БКБОП) МДХга аъзо давлатларнинг ички ишлар вазирликлари ва давлат органлари ўртасида уюшган жиноятчилик, терроризм, гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланиши ва бошқа хавфли жиноят турларига қарши курашда самарали ҳамкорликни таъминлаш мақсадида тузилган доимий фаолият юритувчи орган ҳисобланади. Уюшган жиноятчилик ва жиноятларнинг бошқа хавфли турларига қарши курашни мувофиқлаштириш Бюроси (БКБОП) жиноий таъқиб ёки жазони ижро этишдан қочиб кетган шахсларни давлатлараро қидирув ва экстрадиция қилишда тезкор-қидирув тадбирлари ва комплекс тадбирларни тайёрлаш ва

ўтказишда ёрдам беради, жиноят олами етакчилари, халқаро жиноий уюшмаларнинг ташкилотчилари ва фаол иштирокчилари ҳамда уларнинг жиноий алоқалари ҳақидаги ихтисослаштирилган маълумотлар банкини шакллантириш бўйича ишларни юритмоқда.

МДХ давлатларининг манфаатдор ички ишлар вазирликларига сўров ёки ташаббус асосида тегишли маълумотларни тақдим этади. Бюронинг вазибаларидан бири, шунингдек МДХ давлат раҳбарлари кенгаши, МДХ ҳукумат раҳбарлари кенгаши ва Ички ишлар вазирининг уюшган жиноятчилик, терроризм, гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний айланиши ва бошқа жиноятларнинг хавfli турларига қарши курашиш соҳасидаги қарорларини тайёрлаш ва амалга оширишда иштирок этиш ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши курашишда фақат халқаро ҳамкорликни таъминлаган ҳолда халқаро ташкилотлар ва бошқа давлатлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралари билан ҳамкорликда қарши курашишганда ўзининг ижобий натижасини беради.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoevning O'zbekiston Respublikasi davlat mustaqilligining o'ttiz to'rt yilligiga bag'ishlangan tantanali marosimdagi nutqi. <https://president.uz/uz/lists/view/8440>.

2. Таштемиров А. Кибержиноятчилик ва унинг ўзига хос шаклланиш даврлари //Общественные науки в современном мире: теоретические и практические исследования. – 2023. – Т. 2. – С. 133-139.

3. Абдухалилов Х. Д. Ў., Валиев Б. Б. Ў. Босқинчилик жиноятларини профилактика қилишнинг долзарб масалалари //Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies. – 2024. – Т. 1. – №. 7. – С. 116-119.

4. Таштемиров А. А. и др. Ижтимоий тармоқлар орқали содир этилаётган жиноятларга қарши курашиш чора-тадбирлари //Models and methods for increasing the efficiency of innovative research. – 2023. – Т. 2. – №. 21. – С. 24-31.

5. Nasilloev A. The absence of civil conflicts-a priority direction in the activities of internal affairs bodies in ensuring the rule of law //American journal of education and learning. – 2025. – Т. 3. – №. 9. – С. 770-776.

6. Таштемиров А., Нурматов Н. Айрим хорижий давлатларнинг тезкор қидирув фаолиятида соҳавий ҳамкорликнинг таҳлили //Инновационные исследования в науке. – 2024. – Т. 3. – №. 5. – С. 190-197.

7. Насиллоев А. Полиция ходимининг талаби тушунчаси ва унинг аҳамияти //Общественные науки в современном мире: теоретические и практические исследования. – 2024. – Т. 3. – №. 12. – С. 113-115.

8. Таштемиров А., Юлдошев Х. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда оммавий ахборот воситалари ва блогерлар билан ҳамкорликнинг ўзига хос жиҳатлари //Академические исследования в современной науке. – 2024. – Т. 3. – №. 17. – С. 55-61.

9. Зиёдуллаев М., Абдуллаев Ф. Ички ишлар органлари томонидан қўлланиладиган маъмурий чеклаш чоралари тушунчаси, моҳияти ва турларига оид айрим мулоҳазалар //Development of pedagogical technologies in modern sciences. – 2022. – Т. 1. – №. 2. – С. 9-15.

10. Тоштемиров А. Киберфирибгарлик билан боғлиқ жиноятларнинг пайдо бўлиш ва ривожланиш тарихи //Общество и инновации. – 2022. – Т. 3. – С. 11.

11. Abduxalilov H. D., Xusanova M. M. Voyaga yetmagan jinoyatchining shaxsi //Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies. – 2024. – Т. 1. – №. 8. – С. 146-148.

12. Насиллоев А. Ички ишлар органларининг лицензиялаш ва хабардор қилиш тартибидаги назорат ваколатлари ва уларни такомиллаштириш масалалари //Наука и инновация. – 2024. – Т. 2. – №. 38. – С. 23-25.

13. Abduxalilov X. et al. Profilaktika inspektorining qo 'shmachilik qilish va fohishaxona saqlash bilan bog 'liq jinoyatlar bo 'yicha tezkor qidiruv bilan hamkolrligini takomillashtirish //Общественные науки в современном мире: теоретические и практические исследования. – 2024. – Т. 3. – №. Maxsus son 12. – С. 78-84.